
Ч32
Ш91

ШУКРУЛЛО



Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
Тошкент-1973



821.512.133-1
Ш 91

ШУКРУЛЛО

TOSHKENT SHAHAR YASHNOBOD TUMANI
№ 7407
AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI

ТАНЛАНГАН АСАРЛАР

ИККИ ТОМЛИК

I ТОМ

ШЕЪРЛАР ВА ДОСТОНЛАР

Уз
Ш 91

Шукрулло.
Танланган асарлар. 2 томлик Кириш сўзи Т. 1.— Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973,
Т. I. Шеърлар ва достонлар. 1973.
340 бет.

Шукрулло. Избранное произведение. В 2-х томах. Т. I. Стихи и поэм.

Уз2.

№ 123—72
Навоий номли [redacted] Давлат кутубхонаси.
Индекс 7—4—3

ШУКРУЛЛО ҲАҚИДА ЭТЮД

Бундан икки йилча муқаддам, кўкламнинг нафаси айниқса ўткирлашган кез эди. Кўклам табиатдан бари кул ранг, қора рангларни соғлом ва яшартиргувчи мучаси билан азот сидириб ташламоқдайди. Эрталаб ишга вақтлироқ келиб ёлғиз ўзим жимгина ўтирган эдим. Ташқарида қора қалдирғочлар издиҳоми ғолибона қийқириб чарх урарди. Хонага Шукрулло кириб келди. Қечаси билан уйқусизликда бир нарсаларни огир ўйлаб чиққандек, кўзларида безовталик билан хонада кезиб тез-тез сўзлай бошлади. Шоир нима ҳақида гапиради? Шеър ҳақида да. У юрагини куйдириб юрган гапларни бир йўла тўкиб солишга шошиларди. Римма Казакованинг таржималари, умуман, ўзбек шеъринининг усуллари ҳақида кўп сўзлади.

— Биз ҳалигача шеърни қандай бошлашни билмас эканмиз. Шеър бошданоқ маълум бўлиб қолади. Биласизми, шеър — руҳ дегани. Руҳсиз шеър — қуруқ ўтин. Қейин шеърга поён керак. Эсимда йўқ, кимдир, аллаким, бир куни Ғафур Ғуломга ёзган шеърини ўқиб берди. Шеър «Деразамдан боқаман», деб бошланар эди. Ғафур ака шу заҳотиёқ тўхтатиб қўйдилар. «Ҳадеб деразадан қарайвермай, бундоқ эшикка ҳам чиқларинг, ёруғ олам-жаҳонни ҳам кўрларинг»,

дедилар. Менда ҳам шундайчароқ шеърлар бор эди, улардан бири «Деразадан боқдим ярим кечаси, мафтун қилди Қрим, тун манзараси» деб бошланарди, ўзимча қисиниб қўйдим, уларни Ғафур ака кўрса, ё кўрган бўлса нима дер экан деб... Ўшанда устоз бир гап билан шеър ўқиган шоирга ҳам, менга ҳам сабоқ, тарбия берган эдилар... Шукрулло тинимсиз чекиб, дам туриб, дам ўтириб, қўлларини силкиб-силкиб сўзлар, сочлари тўзғиб кетган, нари-бери юрганида гавдасига чскаётган сигаретининг тутуни чулғашиб судралар эди.

— Биласизми, шеър деталлари билан ярқираб туриши, деталлари эса ҳаётий бўлиши керак. Менга танқидчи дўстларим, «Энди севгини қўй, сочларинг оқарди, реалистик эмас» дейдилар. Лекин саксон ёшга кирганда ҳам одамнинг милкида севги туради. Мен «Реалист» деган шеъримда айтганман:

Реалист қуруқ мадҳ ёзишмас тилда,
Ҳақиқатни севиб куйлашдир дилдан.

Кейин шоир камтарлик билан қўшиб қўйди:

— Буни қарангки, менинг шеъримда фикр бор экан-у, лекин шу фикрга яраша ўтли руҳ кам экан. Бугун шуни ўйлаб уйқум қочиб кетди.

Шукрулло камтарлик қилаётганини, унда доимо ўзига танқидий назар билан қараш қаттиқ интизомга айланганлигини мен англайман. Лекин баъзан ўз ишига, ўз ижодий кучларига буткул бир танқид кўзи билан қараш, баъзида ижодни сўндиришгача, сўндиришдан кўнгилсизликкача олиб боради, Шукрулло акага шуни айтдим ва бир банд шеърини ўқидим:

«Агар ёнгин десанг, майли, ёнаман,
Фақат яшаш учун туғилмас одам.
Хатто тупроққа ҳам мен айланаман.
Бир гул ундирмоққа агар ярасам».

Бу шеърда ўткир шоирона фикр билан бирга кучли, алангали руҳ ҳам бўртиб турибди. Бундай шеърларни эса шоир Шукрулло ижодидан кўплаб келтириш мумкин. Шулардан ҳам шоирнинг камтарилиги бекорчилик, гўшанишинликдан эмас, шоир кишининг ички бир маданиятидан камолотга узвий интилишдан туғилганлиги, камол топганлигини яхши англамоқ мумкин. У ўзини савлатли дарё ё чексиз денгиз деб билмайди. «Умримни баҳорга қиёс этгулик, анҳор-

дек қудратли шижоатим бор» дейди шоир бир шеърида баҳорнинг ўзгарувчан ҳавосидан завқланаркан.

Ғафур Ғулом Шукруллонинг 1960 йилда ёзган «Она ва тиш» шеърини эшитиб, тўлқин ва ҳаяжонга тушиб, шундай бир шеър бошлаган экан:

Тишларинг тушибди десам, Шукрулло,
Ширинлик важига ўч эмас эдинг.
Манглайинг ажинин санаб ҳайронман,
Мени туққан замонга дуч эмас эдинг.

Ўзи лутф билан эркалаб, «Эмчиев»га (Шукруллонинг отаси эмчи-врач бўлганлигига ишора) қарата айтган бу шеърда шоир кўрсатмоқчи, Шукрулло инқилоб ғалабасидан сўнг, ўлкада биринчи совет хўжаликлари тузила бошлаган бир паллада, 1921 йилда Тошкентда туғилди. Шукрулло туғилган маскан баҳор кезларида ўрик ва олма гулларига бурканиб ётарди. Бу ерда калладор қари толлар кўкламда мош рангга чулганиб, елларда пўрим чайқалади. Бу ерга нима эксанг битади, нима эксанг гуллайди. Гули ва мевасини кўришга улгурасан. Номи ҳам чиройли: Олмазор деб аталади. Шукруллонинг ерга ва элга муҳаббати шу ерда камолга етди. Шоирнинг ота онаси ўз замонининг зиёлиларидан эди. Шукрулло эрта шеър машқ қила бошлади. У йигирма яшар чоғида поэмалар ёзиб улгурган эди. Бу пайтлар унинг хаёли эртакнамо гулзорларда кезди, шу гулзорларни топталамоқчи бўлган ёвга нафрат билан тўлди.

Шукруллонинг биринчи шеърий тўпламлари урушдан кейин, 1949 йилда «Биринчи дафтар» ва «Қалб қўшиқлари» номи билан нашр этилди. Шундан сўнг шоирнинг «Ҳаёт илҳомлари», «Россия», «Умрим борича», «Инсон ва яхшилик». «Юлдузлар», «Инсон инсон учун», «Икки қоя», «26 тонготар», «Шеърлар», «Хатарли йўл», «Достонлар» сингари шеърий тўпламлари, достонлари, драматик асарлари эълон қилинди.

Шукруллонинг бутун ижодида даставвал инсоннинг маънавий камолотини куйлаш биринчи ўринда туради. Шоир умри шундай камолотдан четда қолганларни қаттиқ қоралайди, уларни камолот эгаси бўлишга, инсон деган шарафли унвонга сазовор бўлишга чақиради.

Маънавий камолот жуда кенг тушунча. Уни фақат виждонли бўлиш, илм орттириш, яхшилик қилиш кабилар доирасида тушуниш ярамайди. Масалан, одамнинг тупроққа, ўз киндик қони тўкилган ерга қарашида ҳам юксак камолот нишонларини кўриш мум-

кин. Чунончи Шукруллонинг қуйидаги каби мисралари шундай дейишга далолат беради:

Деҳқоннинг тўшидек қизгиш, покиза
Тупроқдан урарди қуёшнинг тафти.
Тутганим тупроқмас,
қуёшу ернинг
Қудратин гўёки шимарди кафтим.
Завқ билан ишладим,
ҳар кетмон ердан
Гўё юз очарди қучоқ-қучоқ гул.

Ерга мана шундай ишчан меҳр билан боқадиган шоир, албатта, одамлар ўртасидаги муносабатларда дўстлик, ватанпарварлик ҳалоллик сингари ақидаларга қарашда ҳам замонасининг энг илғор сарҳадларида туради. Шоирнинг «Тавба» деб аталган бир шеъри бор: Мен ўлган эмишман-у, лекин кўзим очиқ эмиш, дўстларим мен ҳақимда сўзлаётган эмишлар, мен эшитиб ётган эканман. Гуноҳим нима?— дейди шоир,— кимнинг уйини хиёнат билан бузибман, қайси етим-есирнинг ҳақини ебман? Кимга нохақ бўҳтон ёғдирдим? Мабодо шундай қилган бўлсам, нега диёнат билан мени бу йўллардан қайтармадингиз? Шоир шу тариқа бўлиши мумкин бўлган маънавий разолатдан даҳшатга тушади. Хайриятки, бу туши экан. Саволларнинг қўйилишининг ўзиданоқ шоир тирикликнинг қандай олижаноб таомилларини тарғиб қилаётгани кўриниб турибди. Шукруллонинг шеърияти учун бу хос гап. У шеърнинг ролини яхшиликка хизмат қилишда деб билади.

Ахир, шеър, юрак не учун керак.
Яхшилик қилмаса агар инсонга.

Шукрулло инсонни улугловчи нарсаларнинг энг буюги — меҳнат деб билади. «Она ва тиш» шеърида:

Бемеҳнат яшаган йигит йигитми?
Меҳнаткаш чол ундан минг бор навқирон,—

деб ёзади. Шоир инсон ҳар жиҳатдан мукаммал бўлишини истайди. Турмушдаги энг кичик нарсаларда ҳам шу мукаммалликка поя бўлувчи ҳолатларни қидиради. «Ваъда» шеърида ёзади:

Бир бебурдлик топган қадрингни
Совуришга қилар кифоя.
Кичик ишга ихлос, эътибор,
Улуғ ишга бўлур бир поя.

Шоир дўстлик, Ватанга муҳаббатда ҳам шундай устивор ғояларни тарғиб қилади. Унинг машҳур «Россия», «Икки қоя», «26 Тонготар» поэмалари халқларимиз ўртасидаги қардошлик, фидокорлик, она юрт табиатини улуғлаш мотивлари билан тўлиқ. Шукрулло учун «дўстлик — қасамдан зўр». Шу сабабдан у дўстнинг душман бўлишини тушда ҳам кўришни истамайди. Шукрулло ўз ижодида мана шундай чуқур инсоний мавзуларни кўтаради ва шеърининг камтарин воситалари орқали уларни етук ҳал қилиб беради.

Шукрулло шеърда керакли сўзнигина ёзади. Ташбеҳларни ўта хасислик билан қўллайди. У туйғуларнинг зўридан кўра фикрнинг зўрини қидираётгандай бўлади. Унинг шеъридан ортиқча сўзларни, ўринсиз чиройли образларни топиш қийин. Лекин у тасвирлайман деса, қишни баҳор тароватига тўлдириб тасвирлайди:

Кун қизариб ботди. Қор босган томлар,
Тутлар шохидаги қорларда шафақ.
Терак тепасида етти кунлик ой,
Анҳор бўйидаги толларда шафақ.
Анҳорнинг қирғоғи тизза бўйи қор,
Атроф кийган гўё оқ шоҳи яктак.
Далани айланган кўк тиниқ анҳор
Гўё осмони ранг янги белбоқдек.

Табиат шоирнинг тасвирида кучга тўлган йигит билан ишвали қизнинг тасвиридек сеҳрли ва рангин. Тасвир кейинги бандларда янада тиниқлашади:

Шафақ гўзаллиги ўчди атрофда,
Аёзда ярқирар ойнинг ўроғи.
Қуёшдек ёнарди аммо шу топда
Сувга чиққан қизнинг икки ёноғи.

Сув баҳона бўлди. Йигит билан қиз
Суҳбат қилишдилар. Отишдилар қор.


Гул отгандек бўлди иккиси шу кез...
Севги фасли кўклам демаклик бекор.

Шукруллонинг шеъри ўзи айтмоқчи «лойқа хаёлотлардан, ифлос тўлқинлардан халос, беғубор» шеър.

Унинг кўнгли ҳам шеъридек беғубор ва оламнинг ҳамма шамолларига ҳамда ҳамма шогирдларига очиқ. Сатрим орасидан қуёш юрар гўё, дейди шоир. Бу қуёшнинг алангаси боқий бўлсину, ёғдусини халқнинг дилига ҳам сочиб турсин.

ИБРОҲИМ ҒАФУРОВ

ШЪЕРЛАР



* *
*

Хоҳ тўхтаган бўлсин, хоҳ чиқарсин сас,
Гар мили бўлмаса у соат эмас.
Қимдаки халқига муҳаббат йўқдир
Хоҳ ўлган, хоҳ тирик инсон саналмас.

ЗАРРАЛАР

Ким ҳам ўйламайди замон сирларин,
Баъзан ўйлаб бўлар ҳафсалам ҳам пир.
Не ҳам қила олур бу шеърларим,
Атом бомбаларин олдида ахир.

Нега керак менга дунё ташвиши,
Нега керак менга бу ёғоч қалам.
Баъзан сиқиб кетар етмасдан кучи,
Муштумдек қалб дардин кўтаролмай ҳам.

Шу кичик бир қалам очилганида
Булбул тумшуғича келмас учи бор.
Қаҳридан тикандек санчилганида...
Тикан заҳарининг нима кучи бор!

Баъзан қўл силтайман ва
баъзи онда,
Пайдо бўлиб қолар умиддан учқун.
Гоҳо шу кичкина учқун ўрмонда,
Даҳшатли аланга бошлаши мумкин.

Йўлин топиб сингган томчи ҳам гоҳо,
Ўпирган-ку буюк кўприкларни ҳам.
Кичикни менсимай қараймиз, аммо
Заррадан яралган эмасми олам!

Гоҳо узоқ йўлни турар ёритиб,
Туянинг кўзича жойдан тушган нур.

Ғайри дин, ожиза онага боқиб,
Шафқатга келган-ку жаҳонгир Темур.

Йўқ, кичик қаламим, ўксима асти,
Атомлар ҳам зарра, шундан ибрат ол!
Оламни ўртамай атом бомбаси,
Сен инсон қалбига шафқат ўтин сол!

БАҲОР КЕЧАСИ

Қуёш ботиб кетди.
Бир тутам нури
Варрак думларига илашиб қолди.
Онаси етаклаб кетган боладек
Чумчуқлар чурқ-чурқлаб тарк этди толни.
Ҳовлим ўртасида дўндиқ қиз каби
Пушти кўйлак кийиб турар шафтолу.
Гилос оқ шоҳи тўн кийган куёвми,
Эгилиб келинга пичирларди у?
Тўйни кўриш учун том тепасига
Шошиб чиқиб олган қизлар каби ой —
Ўрикка тирмашиб, ёнғоққа ўтиб,
Терак тепасида кўрсатди чирой.
Фақат уйимдамас, ҳар хонадонда,
Бутун Ватанимда бугун Май — байрам.
Ҳовузча косага баҳор шаробин
Шилдиратиб қуяр ариқчалар ҳам.
Ана, юлдуз санаб бўғот лабида,
Қўшним мушуги ҳам кутади ёрин.
Жонивору парранда... барида севги!
Қандай одам севмас тинчлик баҳорин!..
Ёрим, соч оқлигин баҳона қилма,
Юр, чиқайлик биз ҳам баҳор сайрига.

РОЗИМАН

Агар, ёнгин десанг, майли ёнаман,
Фақат яшаш учун туғилмас одам.
Ҳатто тупроққа ҳам мен айланаман,
Бир гул ундирмоққа агар ярасам!

Менинг ёнишимдан сен қуёш бўлиб,
Ҳамиша нур сочсанг, розиман, майли.
Мен тупроқ бўлсаму, сен гулдек тўлиб,
Жаҳонга юз очсанг, розиман, майли!

Инсон жони билан неки яратса,
Яратгани билан яшай олур у.
Қошки истагингга мен ҳам яралсам,
Балки қуёш бўлиб қолардим мангу!

AHAR YASHNOBOD TUMANI
№ 7407
AXBOROT-KUTUBXONA MARKAZI

* *
*

Қўлимда май тўла гулдор шнёла,
Гулзор деб капалак бўлар парвона.
Гулга қўнмоқ бўлиб, майга ғарқ бўлди,
Майми ё гулзорми қилган девона!

ШАРПАЛАР

Мен учун сен йўқсан! Фақат соясан,
Одам қиёфали шарпасан холос.
Қандай сен ўзингни тирик санайсан.
Сенда дард бўлмаса одамларга хос.

Эй, афсус, дардимни сенга айтдимми?
Билардим тоқатинг йўқлигин зинҳор.
Аммо нечораки, сенинг бу феълинг
Мени ташвишларга қилмиш гирифтор.

Билмадим, сен бахтни не деб ўйлайсан,
Балки яшаш дерсан бедард, бепарво!
Оҳ, шундай англаса, жумла одамзод
Балки, бахт нелигин билмасди дунё!

Дўлона ейишни истайсан, аммо,
Тоққа чиқмасангу дўлона бўлса.
Жононни истайсан, чекмасдан жафо,
Сенинг рўпарангда жонона бўлса.

Қайси бобомдан сен пайдо бўлгансан,
Номин билмаганим минг марта маъқул.
Бедард одамларни ғафлат босади,
Ғафлат босганида Чингиз қилган қул.

Беташвиш, бепарво ўтса боболар,
Ўзи келармиди бу бахт, инқилоб!
Тўй қиларми ахир унинг тараддуд,
Ҳамма ташвишига беролмаган тоб!

Яхшики, сен нусха бўлмаган халқим,
На тарих бўларди, на қасри олий.
Бу бахтли кун учун бўлмаганда жанг,
Ахир, не кечарди ўзбекнинг ҳоли!

Ўзинг ўйла дўстим, мен оддий ишчи,
Буюк биноларга қўярканман ғишт,
Уқаланиб кетар гоҳ қўймасимдан,
Сен таскин берасан — қилма деб ташвиш.

Йўқ, менга керакмас бепарво қалб ҳам
Нега керак менга буларсиз ҳаёт.
Меҳнат ташвишидан бебаҳра бўлсам,
Севинч, ахир қандай бўларди бунёд!

Беташвиш яшашни бахт деб ўйлама,
Дард чекиш бизларга онадан юққан.
Чунки бу дунёга бизни оналар
Туққанда ўзлари, дард билан туққан.

Йўқ, дўстим, ҳаётга лоқайд қарама!
Сўзларим қилмасин сенга малоллик.
Беташвиш яшашни бахт деб санама,
Бедардликнинг ўзи бахти қаролик.

Менда истиқболни кўриш ташвиши,
Бусиз на завқим бор, на бахт, на тинчим.

* *
*

Тоғ бургути бўлсанг, баланд парвоз қил,
Бургут нима! Ундан баланд бўл, эй дил!
Бахту мартабанинг баланди яхши,
Лекин димоғнинг-чи, пастроғи маъқул.

ОНАМНИНГ ҲАССАСИ

Оқсоқланиб қолдим...
Онам ҳассаси
Суянчиғим бўлди яна ўша дам.
Қамдек тиригида тортган жафоси
Тинч қўймадим ҳатто ҳассасини ҳам.

Ҳасса ҳам қариган онамдек нозик,
Худди қоматидек букилган эди.
Шу ҳасса онамга бўлиб суянчиқ,
Қариган чоғлари тутилган эди.

Кимдир кулиб деди — бунга суянма,
Бошқа оёғинг ҳам бўлади чўлоқ.
Аммо бу ҳассанинг сеҳрий кучини,
Буюк қудратини сезмади шу чоқ.

Бу ҳасса кичкина, нозик бўлса ҳам,
Буюк бир онани суяди ҳар он.
Биз-чи, фарзанд бўлиб шу бир ҳассача,
Баъзан бўлолмадик дардига дармон.

Онамнинг тоғ каби оғир дардини,
Чидамин, орзусин кўтарган ҳасса...
Мен кимман, бу улуғ зотнинг олдида,
Кичкина бир мени кўтаролмаса!

* *
*

Азобланма, дўстим, ўртанма,
Шубҳаларнинг барчаси бекор.
Сени мафтун қилган гўзалнинг
Ўзи сенга мафтун, беқарор.

Асл севги тилда бўлмайди,
Қиз демайди «Севдим, ошиқман!»
Билмоқ бўлсанг ишқин, севгисин,
Қалбин тингла, шошма, ошиқма...

Боқишидан англамоқ мумкин,
Ният, ишқин айтмасдан бир сўз.
Чунки баъзан қалбнинг сирини,
Ошкор қилар бир табассум, кўз.

* *
*

Қуз келди. Баҳорда яшнаб туғилган,
Ранг-баранг чаманлар энди заъфарон.
Ҳаётда қарилик нишони бўлган.
Оқ сочдек шохларга илинди мезон.

Теваракда ётар қовжираб саҳро,
Умрин тугатибди дейсан табиат.
Аммо мен ўлмайман дегандек гўё,
Хазонлар остида бўй чўзар кўкат.

Сарғайиб қуриган ўтлар тагида,
Мурғак кўк майсани кўрганим замон
Гўё умри ўтган она олдида
Ёш гўдак ётгандек туюлди шу он.

Қуз фасли саҳрога тикилиб узоқ,
Умр мангулигин ўйлардим шу чоқ.

ШАЛОЛА

Қайга шошиласан, ахир шалола,
Нега чўққилардан шошасан пастга?!
Қояга чиқай деб мен-ку овора
Тинмай тирмашаман тошлардан тошга.

Шалола-чи бефарқ менинг дардимга,
Шовиллаб, гувиллаб, ҳайқираради у.
Аммо боққан сарим, ташна дилимга
Солгандек бўларди қандайдир ғулув:

— Агар қояларга чиқмоқ истасанг,
Аввал менинг билан саҳроларга юр!
Чўққидан қуёшга боқмоқ истасанг,
Машаққатимни кўр. мен билан югур.

Буюк қояларга чиқмоқлик учун,
Саҳроларга ирмоқ бўлиб оқаман.
Ер бағрига сингмоқ бўлиб оқаман,
Чулдираб оқаман, булбул бўламан.
Илдизларга сингиб, мен гул бўламан,
Гуллар япроғида шудринг нур бўлиб,
Мевалар лабида тонгда дур бўлиб,
Шу замин бағрида яратиб чаман,
Қуёш нурларида минг-минг товланиб,
Яна қояларга кўтариламан.

Сен ҳам қояларга чиқмоқ истасанг,
Тошларга тирмашма, менга қулоқ бер.
Сен ҳам ўз теримдан бир гул ундирсанг,
Қояларга қанот берар она ер.

Шалола гувларди,
Мен-чи, ўйлардим.

ЖАНЖАЛСИЗ УЙ

Баъзи бир дўстларим, хотиним билан
Айтишиб қолдим, деб арз қилар менга.
Тўғрисини айтсам, ҳасратин тинглаб,
Ичимдан ҳавасим келади унга.

Эр-хотин талашиб, гоҳо тортишиб,
Бирон иш битирса нимаси ёмон?
Дардларинг ётса-ю дилингда тошиб,
Аммо айтишликка бўлмаса имкон,
Мана бу ёмон.

Балки хотининг йўқ, тилинг йўқ дерсиз,
Йўқ, йўқ, хотиним ҳам, тил-жағим ҳам бор.
Аммо ҳеч кишига ато қилмасин
Менинг хотинимнинг феълини зинҳор.

Қизиқ одати бор — бир гап бошласам,
Оғиз очиргани мени қўймайди.
Энди сезгандирсиз, шунинг учун ҳам,
Бизнинг оилада жанжал бўлмайди.

* *
*

Ғалвиракнинг ўзи хунук, лекин мағзи соз бўлур,
Пистанинг ҳам қаттиғидан очиқ оғзи соз бўлур.
Лекин, очиқ севаман деб, вафо қилмас гўзалдан
Пинҳон севиб, ўртагувчи ёрнинг нози соз бўлур.

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Соқоллари оппоқ, оппоқ сочлари,
Кийимлари оппоқ...— қалбларисимон.
Икки мўйсафиднинг ёшлик чоғлари,
Дўстликлари тилда достондир ҳамон.

Маҳалла-кўй, гузар иккисин кўрса,
Ҳавас билан сўзлар булар дўстлигин.
Етмишдан ҳам ошган ёшлари эса,
Дўстликлари бўлса қаримас лекин.

Ҳа, ўзинг кекса-ю, дўстлигинг бироқ,
Шундай қолсин экан доим навқирон.
Навқирон бўлсангу, сендан олдинроқ,
Дўстлигинг қариса, бу жуда ёмон.

* *
*

Тўлқинлар, тўлқинлар, гўзал тўлқинлар!
Биллурдек ёнади кўпикларингиз.
Афсус, қуёш бўлса товланар улар,
Булут қўзғалса-чи, сўнади беиз.

Кўпиклар, ёшлигим, ҳусним олдида
Жилмайган бевафо ёрга ўхшайди.
Кечки қуёш каби ёшим қайтганда,
Улар ҳам боқмасдан кўйдилар энди!

ИККИ ЕШЛИК

Баъзи бирлар кўриб, мени ёш дейди,
Ўғлим билан юрсам тенг-қурдош дейди,
Тўғри, ўз ўрнида булар ҳам ҳақли,
Лекин ёшликнинг бор ёшликдан фарқи.

Томга чиқиб варрак учиргим келар,
Болалигим қўзиб, келганда баҳор.
Балоғатга етган ўғлимни кўриб,
Ўзимни босаман гоҳ беихтиёр.

Унга қарайману шунда ўзимни,
Шўхликдан тияман, тутаман сипо.
Шоир қалби билан баъзан кўзимни,
Қизларга буришдан қиламан ҳаё.

Лекин ўзим ҳам ёш, қалбим, завқим ёш,
Ҳали оқ нелигин билмас соқолим.
«Ўғил-қиз қаритар ота-онани»,—
Деган халқимизнинг қадим мақолин
Мазмунини шунда ўйлаб қоламан.
Қаритишин сирин излайман секин...
Ёшлик шўхликлари кетмаган мендан,
На ташвиш изи бор, на юзда ажин...

Шунданми, кўрганлар мени ёш дейди,
Ўғлим билан юрсам, тенг-қурдош дейди,

Лекин у кулгандек кулоламанми?
Қўшилиб шўхлик қилоламанми?

Шўхлик, завқни босиб сипо тутаман,
Мен билан бўйлашиб турганида у.
Ёшлик жиловини бериб қўйибман,
Балки ўғил-қизнинг қаритгани шу?!

* *
*

Шарроёдан юз ювди мудроқ дарахтлар,
Гул чирой кўрсатиб яшнади — баҳор.
Азамат тоғларни ошиб, айқириб,
Пишқириб оқади малла тўн анҳор.

Умримни баҳорга қиёс этгулик,
Анҳордек қудратли шижоатим бор.
Аммо фикрим лойқа хаёлотлардан,
Ифлос тўлқинлардан холос, бегубор.

ОНА

Она қимматини таърифлаш учун,
Сўзлар хазинасин мулки етмайди.
Ҳаётимни ҳадя этаман дейман,
Бу кичик жонимнинг ўзи етмайди.

Чунки менинг каби қанча фарзандни
Туғиб, тарбия ҳам қилолган она!
Кичкина қалбини бўлак-бўлаклаб,
Ҳар бўлакка жон ҳам бўлолган она!

Ҳар бир тўлғаноғи — ўлим билан жанг,
Ўлимлардан қўрқмай, жангга кирди у.
Она, қандай улуғ, жонин ҳисобига
Ўлимларни ҳайдаб, ҳаёт берди у!

Онанинг фарзандга меҳри беқиёс!
Фарзанд қандай оқлар она ҳаққини?!
Она рози бўлур берган сутига,
Ҳаётим деб билсанг Ватан, халқингни.

* *
*

Баъзан тотув дўстлар бўлганида жам,
Чинни косаларга қуйилади май.
Улфатлар узатар шароб тўла жом,
Гоҳо маст бўламан, бир қултум ичмай.

Таажжуб қилмангиз дўстлар, бу ҳолга,
Чиндан кайфим баланд, менга қуйманг, бас.
Қайфим сабабини айтсам: бугача
Улфатлар суҳбати қилган эди маст.

* *
*

Гапинг тўғри, хотин, баъзи бирлар бор
Ўтган ҳар хотинга боқади қиё.
Мени ўхшатмагин уларга зинҳор,
Мен ҳам қарайману, бошқача аммо.

Мен агар бошқалар кўзига боқсам,
Ёки қоматига тикилсам бирпас
Бундан шубҳаланма, ўртанма эркам,
Булар бегонани севганимданмас.

Баъзида боқаман таннозларга ҳам,
Наҳот тушунмайсан сабабин ахир.
Унга боқаману, бепардоз, кўркам
Сени севганимдан қиламан фахр.

Гулга қарасам ҳам оғади эсим,
Гул ҳам жамолингни солар ёдимга.
Еллар эслатади сочингнинг исин,
Ойга боқсам келар ҳуснинг олдимга.

Олча, гилосларга кўзим тушса ҳам,
Ўхшашлик кўраман лабинг, кўзингга.
Қимга тикилмайин мукаммал, кўркам —
Тенгдошни топмадим сенинг ўзингга.

ҚИШ ЭРТАСИ

Қиш эртаси нақадар гўзал!
Атроф текис, оппоқ-оппоқ қор.
Гўё олам энди яралиб,
Оқ шоҳидек тўкмаган оҳор.

Тол, ниҳоллар қорга бурканиб,
Тизза бўйи қилганлар таъзим.
Фақатгина мирзатераклар,
Куёв каби турар мағрур, жим.

Тонгда тушган изни беркитиб,
Учқунлади қор устига қор.
Доғ кўринмас олам бетида,
Қалбим каби тоза, беғубор.

МАҚТОВ ҲАҚИДА

О, мақтов! Мадҳия! Одамлар баъзан
Сен билан топади обрў-эътибор,
Лекин баъзиларни оздириб йўлдан
Қиличдайин серпаб ўтишинг ҳам бор.

* *
*

— Болаликда оғир юк нима?
— Онасидан бўлмоқлик жудо!
— Йигитликда оғир юк нима?
— Ёринг қилса севгида риё!
— Кексайганда фарзанд доғини
Ҳеч бандага кўрсатма асло!

ЎРТОҚЛАР, ИШГА!

«Ўртоқлар, ишга!— деган шиор билан
Съезд ўз ишига якун ясади.
Бу оддий шиорми!
Чуқур ўйла ўртоқ,
Бунда янги, улуғ мазмун яшайди.
Балки, шу кунгача қўл қовуштириб,
Бекор юрдимми деб, айтишинг мумкин.
Қандай ишлагансан, қандай ишлаш керак...
Съезд айтганича ўйлаб кўр лекин!
«Ишга!»— деган сўзни кабинетга кириб,
Буйруқ, телефон қоқиш деб ўйлама, йўқ!
Бу шиор мазмуни: мансабпарастлик,
Қуруқ гердайишга отилган бир ўқ.
Бу сўз маъносини палапартишмас,
Виждон, ақл билан қалбингга жойла.
Бу шиорнинг ўзи палапартишлик,
Тумтароқ ишлашга қаршидир, англа!
«Ишга!»— деган сўзни жирканч, зарарли,
Бундай қолдиқларга кураш ҳам деб бил!
Демак шундай экан,
бундай тубанликни
Ирғитиб ташлашдан ишни бошлагил!
«Ишга!»— деган бу сўз янгича ахлоқ,
Қамтарлик, ростгўйлик талаб қилади.
Ёлғон ваъдабозлик, ишда найрангнинг
Эскиб қолган кўҳна уйи қулади.
Уни паноҳ дема, ундан тез қутил!
Ёки сени босиб қилади яксон.

Қутилмаклик осон — Съезд қарорларин
Виждоним деб қалбда сақлагин ҳар он.
Халқим бу шиорни — коммунизм иши,
Бахт деб ишга тушди шиддаткор.
Афсус, орамизда сўзларни бежаб,
Минбардан шуҳратни кутувчилар бор.
Кечагина бўлдим бир маҳкамада
Бошлиқ қабул қилди кабинетда.
Иш бошладик дер-ку, лекин ўзин мақтар,
Қабулхонада-чи,
кетма-кетига
Одамлар йиғилиб кутар мунтазир.
Демак, съезддан сўнг бошламабди иш.
Қўнғироқни босар, кимдир чой келтирар,
Касби хўжайинга аччиқ чой ташиш.
Иш бошладим дейди, шкаф тортмасида
Ўнлаб шикоятлар ётар бежавоб.
Дўстим, кўзингни оч, иш бошламабсан,
Бу усулга энди қилиб бўлмас тоб.
«Ишга!»— деган сўзни сансалорликка,
Шуҳратпарастликка кураш деб англа.
Коммунистик ахлоқ қоидаларин
Юрак ва ҳиссингга сингдиргил онг-ла!
«Ишга!» бу — яхши хулқ, одоб, камтарлик
Самимийлик, дўстга меҳр деган сўз.
Бусиз ишимизда унум бўлурми,
Бари сенда жамми, югуртиргин кўз.
«Ўртоқлар, ишга!» деган шиор билан
Съезд ўз ишига якун ясади.
Бу мўътабар шиор, чуқур ўйла, ўртоқ,
Бунда чин инсоний ахлоқ яшайди.

* *
*

Узоқдан ойда ҳам кўринади доғ,
Яқиндан бенуқсон кўринар балки,
Сиртдан баҳо берма одамга мутлоқ,
Ёмон деганингнинг тозадир қалби.

ИНҚИРОЗМИ, ЭЪТИРОЗ...

(Ижод ҳақида)

Тўғри, бир оз вақт шеър ёзмадим
Баъзилар дедилар буни инқироз.
Гоҳида тўлқинлар бўлар экан жим,
Денгиз қуриди деб қилманг эътироз.

Баъзан шеър билан ёна олмадим,
Бир дам сўндим, аммо ўчмадим бутун.
Нега алангага айланолмадим?
Нега бўлиб қолдим бурқсиган тутун?

Гоҳ гурлаб келганда шеър бўрони
Кўкка чирмашмасдим, аммо алангам,
Базму роҳатларнинг шовқин-сурони
Шеъримга буркалиб сўндирди бир дам.

Баъзан шону шуҳрат, мақтов лаззати
Хаёлимни қуршаб қилар экан қул,
Алангамас сўнгги шеърий қўргача
Назаримда бўлди босган каби кул.

Баъзан нимадандир қилганим таъма,
Фикримга ненидир солган шарпаси,
Ёки мафтун қилган, амал, мартаба,
Майда орзулару булар ҳаммаси,
Хазон каби ёниб бўлмас экан кул,
Ҳақиқий шеърнинг ёниши мушкул!

КАПАЛАК

Мунча ҳур пар каби енгил капалак,
Гулдан гулга қўнар, учарди тинмай.
Узоқ қўниб қолди...
хаёлимни ҳам
Ғунча япроғига кўмди сездирмай.

Тирпинди, сескандим, хаёл ҳам учди,
Бўсаларга қониб елпитгач қанот.
Капалакдек енгил сездим ўзимни,
Шу нафас кўринди олам ҳам обод.

ОНА ВА ТИШ

«Тишинг ҳам тушибди, барвақт қарибсан...»
Дўстлар ҳазиллашиб қилади кулги.
Ёшлик ўзи нима? Кексаймоқ нима?..
Наҳот, тиш тушиши қаришга белги!

Ахир, тиш тушади саккиз ёшда ҳам,
Саксонда садафдек туриши мумкин.
Қаридим деярман, қўлимдан қалам
Ижод қилолмасдан тушиб кетган кун.

Сочнинг оқариши, бел букилиши,
Тиш тушиш қаришга бўлолмас нишон.
Бемеҳнат яшаган йигит — йигитми!
Меҳнаткаш чол ундан минг бор навқирон.

Йиллар ўтар балки, туғма тишимдан,
Саксонда нишон ҳам қолмайди буткул.
Қаридим демайман, агар қаламим
Синмасдан олмасдек қололса ўткир.

Тишлардан не фойда, ҳаёт неъматин
Меҳнат билан топиб, чақмаса мағзин.
Бўрининг тишидан фарқи йўқ.
Бундан
Она сутин эммай ўлмаклик лозим.

Мен ёлғиз ўғилман.
Ҳали ёдимда

Онам айтиб берган кичик ҳикоя.
(Буни сўзлаб берди марҳум онамнинг
Номидан барҳаёт туғдирган доям).

Онам қувонибди мен туғилганда,
Бахт билан тўлгандек унинг қучоғи.
Бундан ҳам зиёдроқ қувонган экан
Милкимдан гуручдек тиш чиққан чоғи.

Ҳатто қувонибди қўғирмоч қилиб,
Тишлаган вақтимда унинг сийнасин,
Менга боқим бўлмай, энди ҳаётдан
Топар бўлди дея ўз насибасин.

Мана йиллар ўтди, қиз томоғида
Кичкина доғ кўрдим, наҳот тишимдан.
Аммо айтолмайман, бу тишимданми,
Ёки илк баҳорда кўрган тушимдан.

Ақл тиши чиқди жодидай маҳкам,
Бақувват тишларда кўмик кемирдим.
О, нақадар лаззат! Бу кўмик эмас,
Гўё ҳаёт магзин тотиб шимирдим.

Тишларим мукаммал бўлганда, аммо,
Онамнинг милкида қолмабди сира.
Ҳаёт лаззатини сен тота қол деб,
Гўё берган каби менга бир сира.

Мана йиллар ўтди,
Энди менинг ҳам
Иккита тишимнинг тушганлиги рост,
Бунга ачинмайман, набираларга
Онам берган тишни айладим мерос.

Саксонга кирарман, ҳаммаси тушар,
Қайтадан бўларман гўё бир гўдак.
Олтиндан қўярман. аммо ёдимдан,
Мутлақо чиқмайди она, у кўкрак.

ҚАБР ТОШИ

Онаси ўлганда етиб келмади,
Ҳатто йўқламади тиригида ҳам.
Пул ва шуҳрат учун қанча кезмади
Не-не шаҳарларни бу аянч одам.

Бугун элни йиғиб кўтарди фарёд,
Мармардан хотира қўйди қабрига.
Она тиригида қилолмаган ёд,
Наҳот энди етди унинг қадрига?

Афсус, она номин кўз ҳам илғамас,
Ўзин номига-чи берилган зарҳал.
Буни ҳам онага меҳридан эмас,
Ўзин шуҳратига қўйибди ҳайкал.

* *
*

«Севаман!» деб қасамёд этма зинҳор,
Солма йўлларига гулдан поёндоз.
Агар қилмоқ бўлсанг севгингни изҳор,
На булар керагу, на безак, пардоз.

Муқаддас севгини, наҳот, безаклар,
Гуллар қадри билан ўлчанса, ахир!
Наҳотки, завқ билан айтилган бир сўз,
Севгига абадий бўлолса муҳр!

Тилда «севаман» деб, ўтмасдан йиллар,
Муқаддас бу сўзни хор қилганлар бор.
Сиртқи пардоз рангдек ювилиб кетар,
Гуллар ҳазон бўлур, ўтаркан баҳор.

Севги нималигин англамоқ бўлсанг,
Покиза сақламоқ бўлсанг ҳар нафас.
Мансаб ва ҳуснинг кетидан қувма,
Севгини вафо деб англай олсанг бас!

* * *

Баъзилар севгини дейди — зўр ташвиш,
Уйқусиз тунларга беролмасдан тоб.
Қошки мумкин бўлса ёшликка қайтиш,
Розийдим куйдирса мени у офтоб!

Оҳ, ўн саккиз ёшим! Ўн саккиз ёшим,
Ишқ ташвиши асир айлаган тунлар.
Қошки ўша ташвиш бўлса йўлдошим,
Қандай бахт, у ёшлик қайтмас бутунлай.

Қани ойдин кеча? Қани у ариқ?
Висол ташвишлари ўртаган бир он.
Буларни ташвишмас—ором дер ошиқ,
Ошиқлик лаззати қайтмас ҳеч қачон!

Севгига ташвиш деб қараганим йўқ,
Севги ташвишига бера олдим тоб.
Ўртанмасам қайдан бўларди қўшиқ,
Бўлармиди севги ҳақида китоб!

ГЎДАК

Ойбекка

Сени гўдак санашса агар,
Йўқ, улардан, дўстим, ранжима!
Сен учун бу жуда мўътабар
Маъносини қилсанг таржима.

Гўдак қувмас шуҳрат кетидан,
Тама билан бермайди салом.
Макр изи бўлмас бетида
Ва ясама қилмас эҳтиром.

Гина билмас, содда беғубор,
Феълинг учун санашса гўдак
Бу жуда соз, нопок қалб билан
Улғаймоқлик не учун керак!

Умр бўйи гўдак поклиги
Насиб бўлса ҳар кимга агар.
Гултож борми шундан ортиқроқ,
Эҳсон борми бундан мўътабар!

БОБО СЎЗИ

Ҳали тонг шамоли ўйнайди боғда,
Майсалар баргида биллурий шабнам.
Боғда очилгандир анвои гуллар,
Ҳатто кўзин очмиш настаринлар ҳам.

Сувнинг шилдираши мусиқий оҳанг,
Булбул тинмай сайрар боғ этагида.
Соқоллари оппоқ нуроний бир чол,
Гилос териб чиқди ўз этагида.

Бир чеккада пастак, озода супа,
Кўрпача солинган, хонтахта, китоб.
Чол келиб ўлтирди... Китоб варақлар,
Нуроний чеҳраси мазмунан офтоб.

Китоб варақлайди, китобнинг акси,
Азиз юзларида бўлур намоён.
Манглай чизиқлари, кўз қарашлари
Ва чўнг салобати ўзи бир жаҳон.

Китоб қўлтиқлаган набира келиб,
Бобоси кўзида кўрди қатра ёш.
Нуроний кўздаги бу ёш эмасдир,
Гўё денгиз ичра ёнгувчи қуёш.

Дарсин тайёрлайди бирга Алишер,
Бугун бермоқ учун тилдан имтиҳон.
Бу томчи сиррини англай олмади,
Китоб, бобосига тикилди ҳайрон,